

ЗЧС(С2) (043:3)

А90 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 343.9.18 (575.1)

**АҲМЕДОВА ГҶЗАЛҲОН ҶТКУРОВНА**

**УЮШГАН ГУРУҲЛАР КИЧИК ТАДБИРҚОРЛИК СОҲАСИДА  
СОДИР ЭТАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ  
(Ўзбекистон Республикаси ИИВ материаллари асосида)**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминология;  
жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация  
**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2006

340 (052) (0433)

A 90

Иш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг «Жиноят ҳукуки» кафедрасида тайёрланган

**Илмий раҳбар -**

юридик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист  
**Мирзаяюсуф Ҳакимович Рустамбоев**

**Расмий оппонентлар:**

юридик фанлари доктори  
**Зафар Хисамович Гулямев**

юридик фанлари номзоди  
**Раҳмонқул Эсирганович Қурбонов**

**Етакчи ташкилот -**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академияси И. М. Мўминов номидаги  
Фалсафа ва ҳуқуқ институти**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг юридик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 016.15.01 рақамли Ихтисослашган кенгашининг 2006 йил «30» 10 кuni соат 14-00 даги мажлисида (700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда) бўлиб ўтади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «19» 08 кuni тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби юридик  
фанлар номзоди, доцент



**Кумринисо Раимкуловна  
Абдурасуллова**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётининг асосини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиздир ва давлат томонидан ҳимоя қилинади, унга нисбатан ҳар қандай тажовузулар эса ғайриқонуний ҳисобланади. Бу гап ҳозирги кунда фаолиятининг ҳуқуқий асосига эга бўлган кичик тадбиркорликка ҳам бевосита тааллуқлидир<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «...кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади»<sup>2</sup>.

Ҳозирги вақтда давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири уюшган жиноятчиликка, мамлакат иқтисодиётига аста-секин кириб бораётган «хуфиёна иқтисодиёт»га қарши кураш муаммоларини ҳал қилишдир. Бу борада давлатимиз бошлиғи шундай деган эди: «Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфиёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жинойи бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Жинойи ёки кўп ҳолларда «хуфиёна» деб аталаётган, иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонуларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон — ўзига бек бўлиб олган эди»<sup>3</sup>.

Кўп жиҳатдан уюшган жинойи фаолият ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ошқора ва ноошқора соҳаларида жинойи капитал муомалада бўлишининг, ушбу муомала хавфсизлиги ва самарадорлиги шароитларини таъминлашнинг кучайиб бораётган жараёнидир. Шу муносабат билан И. А. Каримов: «Жамиятда жинойи «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жинойи тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 9 апрель фармони «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 4. – 60-м.; «Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик корхоналарни солиқка тортиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрель № 159-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами. – 1998. – № 4. – 15-м.; «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 май 232-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами. – 1998. – № 5. – 20-м.; «Хўжалик юртувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами. – 1998. – № 11. – 42-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 72.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 89-90.

давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир»<sup>4</sup>, – деб таъкидлаган эди.

Республикамиздаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жинойи гуруҳларнинг, бирлашуви жинойи тузилмаларнинг иқтисодиётнинг айрим тармоқларини назорат қилишига олиб келади. Шу сабабли иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган уюшган жинойи тузилмаларнинг бирлашиш жараёни давом этмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Жинойи тузилмалар босқичма-босқич капиталларини тезлик билан кўпайтириш, уларни самарали фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоқларида легаллаштириш, зўрликка асосланган жиноятларни тижорат фаолиятининг турли шакллари билан кўшиб олиб бориш стратегиясини амалга оширмоқдалар.

Шу жиҳатдан қараганда, бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлган кичик тадбиркорлик соҳаси ҳам жинойи гуруҳлар эътиборидан четда қолмади. Бугун мамлакатимизда 340 мингдан ортиқ кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг 65 % дан ортиги ушбу соҳада машғулдир. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 % уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда (1999 йилда – 29,1 % эди).

2005 йилнинг ўзида тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 31,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди<sup>5</sup>. Ўзбекистон Президенти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ниҳоятда катта эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан: «Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин»<sup>6</sup>, деган ғоя илгари сурилди.

Ушбу ҳолат тадқиқ этилаётган иқтисодиёт соҳасининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган, кичик тадбиркорликда жинойи фаолиятни амалга оширилиши билан боғлиқ криминоген омилларни бартараф этиши чораларини излаш муаммоси долзарблигидан далолат беради. Кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларига мос келади.

Хусусий капитал фаолият кўрсатаётган соҳадаги жиноятчиликни ўрганишга бағишланган сўнгги йилларда ўтказилган бир қатор тадқиқотлар, кичик корхоналар вакиллари иштирокида ўтказилган социологик тадқиқотлар мазкур соҳада уюшган жиноатуруҳлар фаолият кўрсатмоқда, дейиш учун асос бўлади.

Жинойи гуруҳлар асосан савдо-сотиқ, шунингдек истеъмол бозорига маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилмоқда.

<sup>4</sup> Қаримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 90.

<sup>5</sup> Қаранг: Қаримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим// Халқ сўзи. — 2006. — 11 февр.

<sup>6</sup> Қаримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 331.

Натижада «истеъмол савати» аҳолига кимматга тушмоқда, чунки тадбиркорлар ва тадбиркорлик тузилмалари ўзларининг товламачилик қилаётган жиной гуруҳларга пул тўлаш билан боғлиқ харажатларини истеъмолчилар эвазига қопламоқдалар. Айрим ҳудудларда тижорат тузилмалари тармоғини яратиш ҳам уюшган гуруҳлар диккат марказидадир.

Кичик корхоналарнинг иқтисодий-ҳуқуқий хусусиятлари уларнинг имкониятидан ноинсоф тадбиркорлар кўп маблағ сарфламай туриб, нисбатан тезлик билан катта фойда олишларига имкон бermoқда. Бунда улар кўп сонли ғайриқонуний ҳаракатлар ҳам содир этмоқдаларки, бу давлатнинг иқтисодий тизимига ҳам зарар етказмоқда.

Амалга оширилган таҳлил кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда иқтисодиёт соҳасида кўп сонли жиноятлар содир этилаётганлини кўрсатмоқда. Расмий статистика ҳам буни тасдиқламоқда. Масалан, ИИБ маълумотларига қараганда, сўнгги етти йил ичида иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар сони 1999 йилдаги 13035 тадан 2005 йилда 15192 тагача, яъни 16,5 % га ошган.

Аммо шу давр ичида уюшган жиной гуруҳларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектларидан товламачилик қилишлари билан боғлиқ жиноятлар сони камаймоқда. Чунончи, 1999 йилда бундай жиноятлар 30 марта, 2004 йилда – 29 марта содир этилган бўлса, 2005 йилда эса 6 марта содир этилган<sup>7</sup>.

Мазкур ҳолатлар туфайли иқтисодий фаолиятнинг муҳим соҳаси бўлган кичик корхоналарининг цивилизациялашган бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишига тўсқинлик қилувчи салбий омиллардан ҳимоя қилиш йўлларини излашимиз ниҳоятда муҳим.

Ушбу мақсадда кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятчиликнинг аҳволини, уни олдини олиш борасида қарор топган амалиётни, хорижий мамлакатларнинг кичик тадбиркорлик тузилмаларини жиной тажовузулардан ҳимоя қилиш соҳасида тўплаган тажрибасини ўрганиб, кичик тадбиркорлик соҳасида кўзга ташланаётган мазкур салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чораларни такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммонинг мамлакатимизда ва хорижда ўрганилганлик даражасининг таҳлили турли жиҳатларига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, умуман тадбиркорлик фаолияти соҳасида жиноятчиликка қарши кураш, жумладан унинг олдини олишнинг айрим томонлари ўзбекистонлик олимлардан Қ. Р. Абдурасулова, Г. Абдумажидов, З. С. Зарипов, И. Исмоилов, Р. Кабулов, Ю. М. Каракетов, М. М. Кодиров, К. Мирзажанов, Э. Х. Нарбутов, А. Ниязов, Х. Раҳмонқулов, Ю. С. Пулатов, М. Х. Рустамбоев, М. Собиров, И. Согтiev, Ф. Тоҳиров, И. Ҳақимов, А. С. Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бу муаммони россиялик олимлардан А. И. Алексеев, Д. И. Аминов,

<sup>7</sup> Қаранг: Диссертациянинг 10-илоvasи.

В. К. Бабаев, Л. В. Барина, С. С. Белоусова, Б. В. Волженкин, Е. Е. Деметьева, Н. Б. Егоров, В. М. Есипов, А. Э. Жалински, А. С. Ключников, А. А. Крилов, Н. Ф. Кузнецова, В. Д. Ларичев, А. Н. Ларьков, Г. В. Матусевич, Е. И. Масленников, В. Е. Мельникова, В. Н. Омелин, Т. В. Пинкевич, К. Е. Ривкин, И. И. Рогов, Г. К. Синилов, Е. В. Токарев, А. М. Яковлев, В. Б. Ястребов ва бошқалар ўрганганлар.

Мазкур олимлар мамлакатимиз ва хорижий тadbиркорликнинг давлат ва нодавлат секторларида қарор топаётган муносабатларнинг турли соҳаларида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишнинг назарий (жиноий-ҳуқуқий, криминологик, оператив кидирув, иктисодий-ҳуқуқий, фукаровий-ҳуқуқий) асосларини яратганлар.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари, шубҳасиз, назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Уларнинг тадқиқотларида жиноятчиликнинг тadbиркорлик соҳасига борган сари чуқур кириб бораётганлигига доир криминологик муаммоларни ўрганиш натижалари ўз аксини топган. Ушбу муаллифлар ишлаб чиққан кўпгина қондалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанида кўпчилик томонидан тан олинган, қонунни қўллаш амалиётига жорий этилган.

Шу билан бирга, илгари амалга оширилган тадқиқотларда энди тикланаётган ва шаклланаётган тadbиркорлик соҳасидаги жиноий фаолиятнинг айрим томонлари (иктисодий, ғаразли ва зўрликка асосланган жиноятчилик, тadbиркорлар ва тadbиркорлик тузилмаларига қарши қаратилган айрим иктисодий ва зўрлик ишлатишга асосланган ғаразли жиноятлар) таҳлил қилинган, ҳолос.

Ҳолисона қараганда, кичик корхоналар фаолияти, уларнинг мулкига бўлган тажовузлар, улар вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг криминологик жиҳатдан муҳим хусусиятлари кичик тadbиркорликка ҳақли равишда тадқиқотнинг алоҳида объекти сифатида қараш лозимлигидан далолат беради.

Кичик тadbиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив базадаги маълум ўзгаришлар, кичик корхоналарнинг ҳўжалик юритиш жараёнидаги ўзгаришлар, бу соҳадаги қилмишлар, уларнинг янги қўринишлари, жиноят қонунига киритилаётган ўзгаришлар кичик тadbиркорлик соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни такомиллаштириш йўллари излаш мақсадида ушбу соҳадаги жиноятчиликнинг ҳозирги аҳволини чуқурроқ ўрганиш заруратини вужудга келтирди.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ишининг мавзуи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг илмий тадқиқот ишлари мавзулари режаларига киритилган (диссертация мавзуи ТДЮИ Илмий Кенгаши мажлисининг 2002 йил 31 майдаги 12-сонли баёни билан тасдиқланган).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу тадқиқотдан қўзланган умумий мақсад кичик тadbиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятнинг криминологик кўрсаткичларини ўрганиш асосида ушбу жиноятчиликнинг олдини олишга

қаратилган криминологик чораларни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш йўлларини излаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотнинг хусусий мақсади илмий билишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, статистик ва бошқа тармоқлари эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертацияда қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинган:

– кичик тадбиркорликка криминологик тадқиқот объекти сифатида таъриф бериш;

– кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг асосий криминологик хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш;

– уюшган гуруҳлар томонидан кичик тадбиркорлик соҳасида содир этилаётган жиноятларини келтириб чиқарувчи асосий омилларни тадқиқ этиш;

– кичик тадбиркорликни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш борасидаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

– уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этаётган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш.

**Тадқиқот объектини** уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик субъектларига қарши содир этаётган жиноятлар, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилаётган жиноятлар, кичик тадбиркорлик соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг аҳоли ва даражаси, уларнинг олдини олишнинг аҳоли, мазкур жиноятларни келтириб чиқараётган криминоген омиллар ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини излаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети:** уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик вакилларига нисбатан содир этаётган жиноятлар мажмуининг криминологик хусусиятлари (тавсифи); уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорликнинг ижтимоий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этаётган жиноятларнинг криминологик хусусиятлари; уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик вакилларига нисбатан содир этаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида мавжуд бўлган криминологик чоралар ҳамда тадбиркорларнинг ўзлари уюшган ҳолда содир этаётган жиноятларнинг кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятчиликка энг самарали криминологик қаршилик кўрсатиш эҳтиёжларига адекватлиги кабилардан иборатдир.

**Тадқиқот методологик асоси ва усуллари.** Тадқиқот ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишга системали ёндашув асосида амалга оширилган. Тадқиқот давомида умумий ва махсус илмий методлар (жиноят ишларини статистик таҳлил қилиш, қиёсий-ҳуқуқий ва бошқалар) қўлланилган. Ички ишлар органлари, прокуратура, судларнинг статистик ҳисоботлари; қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар; тадбиркорлик соҳасидаги

жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бўйича эълон қилинган (жумладан, хорижий) илмий тадқиқотлар таҳлил қилинди. Диссертациянинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ташкил этди. Тадқиқот жараёнида уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этган жиноятларга оид 23 та жиноят иши материаллари ўрганилди, шунингдек ички ишлар органлари бўлинмаларининг ходимлари - 400 нафар эксперт, кичик корхоналарнинг 200 нафар вакили, 255 нафар маҳаллий ҳокимият вакиллари – тадбиркорлик фаолияти ташкилотчилари, тадбиркорлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари ўртасида сўров ўтказилди.

Диссертация тадқиқоти илмий қоидаларининг асосланганлиги ва ишончлилиги криминология назариясида кўп марта синовдан ўтказилиб, маъқулланган илмий усул ва услубларни қўллаш, кузатиш бирликларини репрезентатив таълаш, эмпирик тадқиқот натижаларини дастлабки назарий қоидалар билан киёслаш орқали таъминланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, унда илк бор кичик тадбиркорлик соҳасида республикамизда амалга оширилаётган бозор ислохотлари, тадбиркорликнинг тикланиши, шунингдек иқтисодий фаолиятнинг тадқиқ этилаётган соҳасида жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини қўллаш самарадорлигини ошириш йўлларини излаш давомида юзага келган уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олишга доир энг долзарб криминологик муаммоларни умумлашган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Ҳимояга қуйидаги асосий қоидалар олиб чиқилмоқда:

1. Кичик тадбиркорликнинг криминологик тадқиқот объекти сифатидаги таърифи (кичик корхоналарнинг криминологик жиҳатдан муҳим хусусиятлари ва асосий кўрсаткичларини ўрганиш, 1999–2005 йилларда Ўзбекистонда кичик тадбиркорликнинг ривожланишини ва улар билан бирга кечадиган ушбу соҳадаги жиноятчилик ўзгаришларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида) берилди.

2. Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этадиган иқтисодий ва ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи берилди. Ушбу тавсиф шундай ҳулюса чиқариш имконини берди: уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолият доирасига катта даромадга эга бўлган кичик корхоналар тушиши табиий. Бундай даромадларни олиш ҳозирги иқтисодий шароитларда ва мавжуд ноадекват солиқ сиёсати юритилаётганида асосан ғайриқонуний усуллардан фойдаланган ҳолда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида жиноятлар содир этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бундай жиноятларга уларнинг гуруҳ бўлиб содир этилиши, жиноий фаолиятнинг юксак даражада ташкил этилганлиги ҳосдир.

3. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган мақсадли давлат маблағларининг талон-тарож қилиниши ҳамда кичик тадбиркорлик объектларига инвестиция киритиш чоғида тижорат молиявий тузилмалари-



нинг асосан лизинг операцияларига ажратилган кредитлар билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган кредит ва молия соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш зарурлигининг криминологик асослари ишлаб чиқилди.

4. Солиқ кодексига «Кичик корхоналардан солиқ олиш» бўлимини киритиш, норматив ҳужжатларда кичик корхонанинг умумий даромадидан 10 % миқдоридан солиқ олиншини белгилаб қўйиш ҳақидаги қондаларни киритиш орқали кичик тадбиркорлик соҳасидаги солиққа тортишни тартибга солувчи қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар асослаб берилди. Ушбу таклифлар кичик тадбиркорлик тузилмалари солиқ тўлашдан оммавий бўйин товланининг, хуфиёна ишлаб чиқаришни ташкил этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

5. Ҳозирги шароитда кичик корхоналарнинг мулкига жинойий тажовузларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органлари кўриқлаш бўлинмалари ҳамда корхоналарнинг ўз кўриқлаш тузилмалари кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг ваколатлари ўртасида зарур нисбат бўлиши кераклигини асосланди.

6. Кичик корхоналар ривожланишининг криминологик мониторингини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг аҳволига доир умумий статистика маълумотларга жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни дастлабки тартибда қайд этиш ҳужжатларини тўлдириш учун маълумотномаларга, яъни №1 тармоқлар классификаторига – «кичик тадбиркорлик» рекузитини, №2 маълумотномага – жиноят содир этиш жойи – «кичик корхона» рекузитини киритиш орқали «кичик корхоналарда содир этилган жиноятлар» бўлимини киритиш зарурлиги, шунингдек иқтисодий фаолиятнинг мазкур соҳаси хўжалик жиҳатдан муҳимлигини инobatга олиб, тадбиркорлик тузилмаларини қайд этиш чоғида рўйхатга олиш ҳужжатлари рекузитларида хўжалик фаолиятининг миқёсини – «кичик корхона» эканлигини кўрсатиш зарурлиги асослаб берилган.

7. Ушбу йўналишда ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил қилиш мақсадида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурига кичик тадбиркорлик соҳасида жиноятларнинг олдини олиш ҳақида бўлим киритиш зарурлиги асослаб берилган.

8. Кичик корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни кичик корхоналар қаторига ўтказиш мезонларини ўзгартириш, жумладан, йиллик пул айланиши ва устав капиталининг миқдорини бундай мезонларнинг асосийларидан бири сифатида белгилаш зарурлиги ҳақида таклифлар берилган, зеро, бу иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлардан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг таркибий қисми (бўлими) сифатида кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш дастурини ишлаб чиқишда, амалдаги жиноят,

жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бўйича эълон қилинган (жумладан, хорижий) илмий тадқиқотлар таҳлил қилинди. Диссертациянинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ташкил этди. Тадқиқот жараёнида уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этган жиноятларга оид 23 та жиноят иши материаллари ўрганилди, шунингдек ички ишлар органлари бўлинмаларининг ходимлари - 400 нафар эксперт, кичик корхоналарнинг 200 нафар вакили, 255 нафар маҳаллий ҳокимият вакиллари – тадбиркорлик фаолияти ташкилотчилари, тадбиркорлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари ўртасида сўров ўтказилди.

Диссертация тадқиқоти илмий қоидаларининг асосланганлиги ва ишончлилиги криминология назариясида кўп марта синовдан ўтказилиб, маъқуланган илмий усул ва услубларни қўллаш, кузатиш бирликларини репрезентатив танлаш, эмпирик тадқиқот натижаларини дастлабки назарий қоидалар билан қиёслаш орқали таъминланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, унда илк бор кичик тадбиркорлик соҳасида республикамизда амалга оширилаётган бозор ислохотлари, тадбиркорликнинг тикланиши, шунингдек иқтисодий фаолиятнинг тадқиқ этилаётган соҳасида жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари ни излаш давомида юзага келган уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олишга доир энг долзарб криминологик муаммоларни умумлашган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Ҳимояга қуйидаги асосий қоидалар олиб чиқилмоқда:

1. Кичик тадбиркорликнинг криминологик тадқиқот объекти сифатидаги таърифи (кичик корхоналарнинг криминологик жиҳатдан муҳим хусусиятлари ва асосий кўрсаткичларини ўрганиш, 1999–2005 йилларда Ўзбекистонда кичик тадбиркорликнинг ривожланишини ва улар билан бирга кечадиган ушбу соҳадаги жиноятчилик ўзгаришларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида) берилди.

2. Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этадиган иқтисодий ва ғараз мақсадларда зўрик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи берилди. Ушбу тавсиф шундай хулоса чиқариш имконини берди: уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолият доирасига катта даромадга эга бўлган кичик корхоналар тушиши табиий. Бундай даромадларни олиш ҳозирги иқтисодий шароитларда ва мавжуд ноадекват солиқ сиёсати юритилаётганида асосан ғайриқонуний усуллардан фойдаланган ҳолда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида жиноятлар содир этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бундай жиноятларга уларнинг гуруҳ бўлиб содир этилиши, жиноий фаолиятнинг юксак даражада ташкил этилганлиги ҳосдир.

3. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган мақсадли давлат маблағларининг талон-тарож қилиниши ҳамда кичик тадбиркорлик объектларига инвестиция киритиш чоғида тижорат молиявий тузилмалари-

нинг асосан лизинг операцияларига ажратилган кредитлар билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган кредит ва молия соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш зарурлигининг криминологик асослари ишлаб чиқилди.

4. Солиқ кодексига «Кичик корхоналардан солиқ олиш» бўлимини киритиш, норматив ҳужжатларда кичик корхонанинг умумий даромадидан 10 % миқдорда солиқ олинishiни белгилаб қўйиш ҳақидаги қоидаларни киритиш орқали кичик тадбиркорлик соҳасидаги солиққа тортишни тартибга солувчи қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар асослаб берилди. Ушбу таклифлар кичик тадбиркорлик тузилмалари солиқ тўлашдан оммавий бўйин товланининг, хуфиёна ишлаб чиқаришни ташкил этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

5. Ҳозирги шароитда кичик корхоналарнинг мулкига жинойат тажовузларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари ҳамда корхоналарнинг ўз қўриқлаш тузилмалари кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг ваколатлари ўртасида зарур нисбат бўлиши кераклигини асосланди.

6. Кичик корхоналар ривожланишининг криминологик мониторингини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг аҳолига доир умумий статистика маълумотларга жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни дастлабки тартибда қайд этиш ҳужжатларини тўлдириш учун маълумотномаларга, яъни № 1 тармоқлар классификаторига – «кичик тадбиркорлик» рекузитини, № 2 маълумотномага – жиноят содир этиш жойи – «кичик корхона» рекузитини киритиш орқали «кичик корхоналарда содир этилган жиноятлар» бўлимини киритиш зарурлиги, шунингдек иқтисодий фаолиятнинг мазкур соҳаси хўжалик жиҳатдан муҳимлигини инобатга олиб, тадбиркорлик тузилмаларини қайд этиш чоғида рўйхатга олиш ҳужжатлари рекузитларида хўжалик фаолиятининг миқёсини – «кичик корхона» эканлигини кўрсатиш зарурлиги асослаб берилган.

7. Ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил қилиш мақсадида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурига кичик тадбиркорлик соҳасида жиноятларнинг олдини олиш ҳақида бўлим киритиш зарурлиги асослаб берилган.

8. Кичик корхоналарнинг фаолиятини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни кичик корхоналар қаторига ўтказиш мезонларини ўзгартириш, жумладан, йиллик пул айланиши ва устав капиталининг миқдорини бундай мезонларнинг асосийларидан бири сифатида белгилаш зарурлиги ҳақида таклифлар берилган, зеро, бу иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлардан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг таркибий қисми (бўлими) сифатида кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш дастурини ишлаб чиқишда, амалдаги жиноят.

фуқаролик, солиқ, молиявий қонунчиликни ҳамда кичик тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда, уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни қўллаш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишда юзага келган муайян бўшлиқни тўлдиради ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органларининг қонунни қўллаш фаолиятига жорий этиш мумкинлигининг назарий асоси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти унинг натижалари қуйидаги соҳаларда қўлланилиши мумкинлигида ҳам намоён бўлади:

1) кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларни олиб боришда;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш органларининг кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш борасидаги ишларини ташкил қилишда;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кичик тадбиркорлик тузилмаларининг мулкига жиноий тажовузларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини ташкил қилишда;

4) юридик йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанидан дарс беришда, шунингдек уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларга доир маърузалар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертацияси натижалари муаллифнинг эълон қилинган мақолаларида ўз ифодасини топган, шунингдек, улардан Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан маърузалар ўқиш, семинар машғулотида ўтиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқотчининг уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни қўллашга доир тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмаси ҳамда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг иш фаолиятида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ТДЮИ «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказидаги Илмий семинарда, ТДЮИдаги муаммовий Кенгашда муҳокамалардан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган кўчалар ва илмий хулосалар бўйича халқаро микёсдаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуга оид бўлган тўққизта илмий мақола, улардан еттитаси илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 5 та параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган бўлиб, ҳажми 140 бетдан иборат. Диссертацияни ёзишда 168 та манбадан фойдаланилган. Иловалар 25 бет.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг киришида танланган мавзунинг долзарблиги, унинг мамлакатимиз ва хорижда ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг тadbқиб этилганлиги ўз аксини топган.

«Кичик тadbқиркорлик соҳасидаги жиноятларни тadbқиб этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари» деб номланган биринчи бобда тadbқиркорликка таъриф берилган. В. И. Дальнинг фикрига кўра, «тadbқиркор бўлиш янги ишни бажаришга қарор қилиш демакдир»<sup>8</sup>. Бинобарин, тadbқиркорликни инсон шахси ёки корхонанинг янги маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатли хизмат кўрсатиш ёки иш бажариш соҳасида ижодий намоён бўлиши, деб таърифлаш мумкин.

Тadbқиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий таърифи 2000 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тadbқиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида берилган. Фуқаронинг тadbқиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди кўшма Пленумининг «Тadbқиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллашнинг суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрель қарорининг 10-бандида ҳам таърифланган.

Ушбу бобда криминалогик тadbқикот натижалари ва мамлакатимизда кичик тadbқиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, шунингдек кичик тadbқиркорликни криминалогик тadbқикот объекти сифатида ўрганиш зарурлиги ҳақидаги фикр асослаб берилган.

Кичик тadbқиркорлик ривожланишининг статистик, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бирга тadbқик этилаётган соҳадаги уюшган гуруҳларнинг жинойий фаолиятининг тахлили куйидаги хулоса қилиш имконини беради:

1. Кичик тadbқиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг истикболли йўналиши бўлиб, бугун етарли даражада ривожланмаган, аммо каттагина салоҳиятга эга бўлган ва иқтисодий ислохотларимизга ижобий йўналиш бера оладиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосидир.

<sup>8</sup> Даль В. И. Толковый словарь русского языка. – М.: 1985. – С. 259

2. Легал, цивилизациялашган кичик тадбиркорликнинг ривожланишига уюшган жиноятчилик муайян даражада тўсқинлик қилади.

3. Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, кичик бизнес улуши ҳали катта бўлмаган бошқа ҳудудларда ҳам тадбиркорлар уюшган гуруҳларнинг доимий жинойи таъсирини ҳис этмоқдалар. Деярли ҳамма жойда жинойи фаолиятни ташкил қилиш учун кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан фойдаланилмоқда. Бу эса тадқиқ этилаётган соҳада уюшган гуруҳлар содир этаётган жиноятларнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга эканлигидан далolat беради.

4. Кичик корхоналарни рўйхатга олиш тартиби, ҳисобот беришнинг соддалаштирилган тизими, бу жамоалар ва дастлабки капиталнинг шаклланишига ҳос хусусиятлари билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий хусусиятлари уларда жинойи фаолиятнинг амалга оширилишига шароит яратмоқда.

5. Кичик корхоналарда иқтисодий жиноятларни содир этишдан олинadиган йирик, барқарор хуфия даромадларни уюшган жинойи гуруҳлар куч ишлатиш орқали назорат қилмоқда ва қайта тақсимламоқда.

6. Ҳозирги кунда кичик корхоналарнинг ривожланишини криминологик жиҳатдан ўрганиш зарурати вужудга келди. Ана шу мақсадда муаллиф жиноятчиликнинг аҳволини акс эттирувчи статистик маълумотларга «кичик корхоналарда содир этилган жиноятлар» графасини киритишни таклиф этади. Бунинг учун № 1 маълумотномага «кичик тадбиркорлик соҳасида» реквизиитини, № 2 маълумотномага – жиноят содир этиш жойига – «кичик корхона» реквизиитини киритиш таклиф қилинади.

7. Давлатнинг кичик бизнесга нисбатан амалга ошираётган сиёсати мақсадли хусусиятга эга бўлиб, ижобий балансга эга бўлмоқда.

8. Ушбу шароитда давлат ва жамиятнинг аҳоли тадбиркорлик фаолигини ривожлантиришга интилиши ва хоҳиши зарур, тадбиркорлик муҳитини яхшилашга, уни уюшган гуруҳларнинг жинойи фаолиятидан ҳимоя қилишга қаратилган пухта ўйланган ва изчил ҳаракатлар қилиниши керак.

9. Мазкур ҳаракатларнинг йўналишлари алоҳида ҳужжат сифатидаги кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш дастурида ёки Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожлантиришга доир республика дастурининг алоҳида бўлимида ўз ифодасини топиши мумкин.

«Кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноятчиликнинг криминологик хусусиятлари» деб аталувчи 2-боб иккита параграфдан иборат бўлиб, *биринчи параграф – «Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан содир этадиган жиноятларнинг криминологик хусусиятлари»* деб номланади. Бозор муносабатлари шароитида, тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган ва тадбиркорнинг кундалик фаолиятида жиддий тўсик бўлаётган асосий сабаблардан бири тадбиркорликнинг катта хавф – таваккалчиликка асосланганлиги ҳисобланади. Тадбиркорлик ушбу фаолият ишгирокчилари ҳамда онла аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи ва моддий аҳволи учун ҳам хавф

туғдиради. Тадбиркорнинг ўзи, у бошчилик қилаётган фирманинг фаолияти, мол-мулки жиний тажовуз объекти бўлиши мумкин.

Кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиний фаолиятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, жинийлар асосан иқтисодий фаолият соҳасида (52 %), шунингдек мулкка қарши (41 %) содир этилади (кичик бизнес вакиллари ўртада, ўтказилган сўров натижалариг кўра).

Кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан уюшган гуруҳларнинг криминологик хусусиятларини тадқиқ этиш ушбу соҳада жинийларнинг қуйидаги сабабларини аниқлаш имконини берди:

1) хўжалик фаолияти миқёсининг кичиклиги туфайли кичик тадбиркорлик объектларининг қўриқлаш воситалари ва сигнализация билан яхши ҳимояланмаганлиги, кўп ҳолларда хоналарни техник жиҳатдан ва жисмоний қўриқлашнинг норентабиллиги;

2) тадбиркорларнинг жиний гуруҳлар назоратида эканлиги, бинобарин, улар виқтимлик даражасининг юқорилиги. Товламачиликка ихтисослашган жиний гуруҳларнинг фаолият доирасига давлат назорат қилмайдиган молиявий маблағлар қўллаб айланадиган кичик корхоналарнинг тушиб қолади. Амалдаги солиқ тизими шароитида ғайриқонуний усуллардан фойдаланиш, жумладан, иқтисодий фаолият соҳасида жинийлар содир этиш орқалигина кичик корхона катта рентабелликка эришиши мумкинлиги;

3) кичик корхоналар фаолиятини назорат қилувчи давлат органларидаги коррупция жинийчилиги жиний гуруҳларга кичик корхоналарнинг фаолияти ҳақида ахборот олиш, жиний гуруҳлар ва уларнинг раҳбарлари ташкил қилган кичик тадбиркорлик тузилмалари учун «қулай» режим ўрнатилиши, ушбу мақсадда кичик тадбиркорлик вакилларида бўлган рақобатчиларни бартараф этишга имкон бераётганлиги;

4) кичик тадбиркорлик объектлари қўриқланмаётган ёки яхши қўриқланмаётган бир шароитда уларда пул маблағлари ва кўп миқдордаги моддий бойликларнинг мавжудлиги;

5) хўжалик низоларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи судлар фаолиятининг етарлича самарали эмаслиги натижасида кичик тадбиркорлик соҳасида «хуфия адлия» миқёсининг ошиб бораётганлиги;

6) тадбиркорларнинг бир қисмида ўзаро юзага келган низоларни ўз қучлари билан ҳал қилиш мумкинлиги ҳақидаги психологиянинг, хўжалик соҳасидаги низоларни зўрликка асосланган усуллар билан (кўпинча жиний гуруҳлар иштирокчиларини жалб этган ҳолда) ҳал қилишга уринишларининг мавжудлиги;

7) кичик тадбиркорларнинг тарқоқлиги, айрим истисноларни инобатга олмаганда, кичик тадбиркорлик тузилмаларининг тадбиркорлик фаолияти объектларини жисмоний қўриқлаш учун маблағ ажратиш ёхуд кичик корхоналар вакиллариининг манфаатларини маҳаллий даражада ва давлат миқёсида ҳимоя қилиш мақсадида бирлаштиришга ҳақиқатда қодир бўлган жамоат ташкилотларининг йўқлиги, кичик тадбиркорликнинг ҳавфсизлиги

билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда старлича муҳокама қилмаётганлиги;

8) кичик корхоналар ходимларининг кариндошчилик, ошна-огайниччилик асосида танлаши туфайли жиноий фаолиятни аниқлаш ва тергов қилишнинг қийинлиги.

**Иккинчи параграф** – «Уюшган гуруҳлар томонидан тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар» деб номланиб, унда кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятга хос бўлган иқтисодий жиноятлар таҳлил қилинган.

Экспертлар баҳоларини, жиноятчиликнинг аҳволига доир статистик маълумотлар билан киёслашга асосланиб амалга оширилган тадқиқотлар иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг каттагина қисмини жиноий гуруҳлар кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этаётганликларини кўрсатди. Иқтисодий йўналишдаги жиноятларни содир этган хусусий тадбиркорларнинг энг кўп қисми савдо ва умумий оқатланиш соҳасида (36,4 %), агросаноат комплексида (25,4 %), молия, кредит ва сугурга муассасаларида (27,3 %) фаолият олиб бораётганлиги аниқланган.

Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этган жиноятларнинг криминалогик хусусиятларини тадқиқ этиш ушбу жиноий ҳаракатларнинг қуйидаги асосий сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш имконини берди:

1. Кичик тадбиркорлик соҳасидаги иқтисодий жиноятчилик кичик корхоналарнинг ривожланишида мавжуд бўлган кўп сонли иқтисодий муаммоларни кескинлаштирмоқда ва шу тариқа Ўзбекистонда юз бераётган ислотларга кучли қаршилик кўрсатаётган омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

2. Уюшган гуруҳлар томонидан кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланиб содир этилган энг кўп жиноятлар қуйидагилардир: солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, фаолият билан лицензиясиз шугулланиш, ғайриқонуний равишда савдо ёки воситачилик фаолияти билан шугулланиши, божхона қоидаларини бузиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш.

3. Аҳолининг кескин табақаланиши, фуқаролар муайян қисми турмуш даражасининг пасайиши, ҳуқуқий нигилизм, ғайриқонуний йўллар билан ўз фаровонлигини таъминлашга интилувчи фуқароларни кичик тадбиркорликка жалб қилади.

4. Фаолиятни қайд этиш ва ҳисобга олишнинг жиноий фаолиятни узок вақт мобайнида яширишга имкон берувчи соддалаштирилган тизими кичик тадбиркорлик соҳасида иқтисодий жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратмоқда.



5. Ички ишлар органлари фаолиятида мувофиқлаштириш даражасининг етарли эмаслиги кичик тадбиркорларининг фаолиятида, аввало, истеъмол бозорида жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини пасайтиради.

6. Солиққа тортиш объектлари ва фойдани яшираётган кичик корхоналардан бюджетга тўловлар тушмаслиги сабабли давлат кўп миқдордаги маблағларни йўқотади. Бу билан оммавий солиққа оид жиноятлар содир этилади. Бу эса кўпинча кичик тадбиркорлик соҳасидаги солиқ сиёсатдаги камчиликларнинг оқибатидир.

7. Кичик корхоналар фаолиятининг кенг миқёсдалиги (хизматлар кўрсатиш, савдодан то ишлаб чиқариш, қурилиш ва инновацияларгача) улар содир этадиган иқтисодий жиноят турларнинг ҳам хилма-хиллигига сабаб бўлади.

8. Кичик корхоналар истеъмол бозорини энг кўп даражада ўзлаштирилганлиги сабабли уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятларнинг асосий кўпчилиги айнан шу соҳага тўғри келади.

9. Уюшган гуруҳларнинг кичик тадбиркорлик соҳасида иқтисодий жиноятларни содир этилишининг жадал ўсиши кичик корхоналарнинг хўжалик юритиш шароитларининг ўзгаришига мослашувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

10. Кичик тадбиркорлик соҳасида иқтисодий шаклларда содир этиладиган уюшган жиноятчиликнинг жадал ривожланишига кичик корхоналарнинг хўжалик юритиш шароитлари ўзгаришига мослашувчанлигида намоён бўладиган иқтисодий-ҳуқуқий хусусиятлари ёрдам беради.

**«Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш» деб номланувчи 3-боб** иккита параграфдан иборат бўлиб, **биринчи параграф** – **«Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик субъектларида нисбатан содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш»** деб номланади. Жиноятларнинг олдини олиш, биринчидан, жамиятдаги муносабатларни ижтимоий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида; иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий ва тарбиявий чораларнинг ўзаро таъсири (алоқадорлиги) сифатида; учинчидан, турли хил субъектлар фаолиятида намоён бўладиган жиноятчиликни олдини олишнинг турли даражалари йиғиндиси сифатида кўриб чиқилади.

Жиноятларнинг олдини олиш чоралари жиноятлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ёки зарарсизлантиришга қаратилгандир. Шу боис олдини олиш фаолияти ўз мазмуни, тадбирлар миқёси ва уларда иштирок этувчи субъектлар сонига кўра, жинойи жазони қўллаш амалиётига қараганда анча кенг ва бойдир.

Кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширган тадқиқотимиз унинг қуйидаги асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди:

- 1) мулкка ва кичик корхоналарнинг иктисодий манфаатларига қарши жиноятларнинг олдини олиш;
- 2) тадбиркорлик фаолиятига давлат лицензиясини бериш ва уни назорат қилиш соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш;
- 3) кичик корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолияти жараёнида солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш;
- 4) кичик тадбиркорлик тузилмаларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган кредит ва молияга оид жиноятларнинг олдини олиш;
- 5) кичик тадбиркорлик субъектлари истеъмол бозорида содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш.

Ушбу йўналишлар бўйича жиноятларнинг олдини олиш борасидаги таклифлар иктисодий, ижтимоий, мафкуравий, техникавий, ташкилий ва ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган аниқ чораларни ўз ичига олади. Бунда асосий эътибор ички ишлар органларининг имкониятларидан комплекс фойдаланишга қаратилди, аммо уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида гараз ният билан зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятларнинг олдини олишда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмалари муҳим ўрин тутди.

Ушбу параграф бўйича қуйидаги асосий хулосалар чиқарилган:

1. Кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган уюшган жиноятчиликни криминалогик тадқиқ этиш кичик тадбиркорлик тузилмаларига қарши содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор бериш лозимлигини кўрсатади: мулкка ва кичик корхоналарнинг иктисодий манфаатларига қарши жиноятларнинг олдини олиш; тадбиркорлик фаолиятига давлат лицензияси бериш ва уни назорат қилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш.

2. Кичик корхоналарнинг мулкига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг идорага қарашли бўлмаган кўриқлаш бўлинмалари имкониятларидан етарлича фойдаланилмапти, айтилиши вақтда ушбу бўлинма ходимларининг ҳуқуқий мақоми, техник жиҳатдан таъминланганлиги, қуролланиш даражаси тадбиркорлик фаолияти объектларининг хавфсизлигини кафолатлай олади.

Кўриқлаш идоралари амалга оширадиган хавфсизлик борасидаги хизматлар доирасининг кенглиги тадбиркорлик объектларини хўжалик фаолиятининг микёс ва тадбиркорнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ҳимоялаш даражасини «бонг» тугмачаси ўрнатишдан тортиб, жисмоний кўриқлашгача бўлган шаклларда табақалаштириш имконини беради.

3. Корхоналарнинг ўз кўриқлаш хизматлари ҳам кичик тадбиркорлик объектларининг хавфсизлигини самарали таъминлай оладилар: илғор техник воситаларнинг қўлланилиши уларнинг хизматини анча арзонлаштиради.

Бунда хусусий кўриқлаш корхоналари (ХКК) ва ички ишлар органлари кўриқлаш бўлинмаларининг фаолияти эркин рақобатга асосланиши керак. Айтилиши вақтда ХКК ходимларининг ҳуқуқий лаёқатини кенгайтириш уларнинг фаолиятини назорат қилиш имкониятлари чекланганлиги сабабли ўзини

окламайди. ХҚҚларнинг асосий фаолияти махсус ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда кичик тадбиркорлик объектларини жисмонан қўриқлаш ва милиция бўлинмаларининг навбатчилик қисмларига хабар беришдан иборат бўлиши мумкин.

*Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик ташиқлий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар профилактикаси»* га бағишланган. Ҳозирги кунда уюшган жиноятчиликнинг моҳиятини жиной қатилларни иқтисодийнинг ошқора ва хуфийна соҳаларида муомалага киритиш, шунингдек фаолият соҳасини кенгайтириш, ушбу муомала хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ташкил этади.

Олиб борилган тадқиқотлар жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, мансабни суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар, мансабдор шахсларни тижорат мақсадида сотиб олиш, ноқонуний кредит бериш, сохта тадбиркорлик, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш соҳасида криминализация жараёнининг кўчаётганлигидан кўчаётганлигидан далолат бермоқда.

Криминология фани нуқтаи назаридан, иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятчиликнинг пайдо бўлиши ва давом этишини белгилаб берувчи ёки аниқ иқтисодий жиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи омилларга уларнинг таъсирини қамайтириш ёки умуман бартараф этишдан иборатдир.

Бундай профилактика фаолияти турли миқёсларда амалга оширилиши мумкин; у республика даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам, алоҳида қорхона, муассаса, ташкилотларда ҳам ўтказилиши мумкин. Олимлар жиноятчиликнинг олдини олишни умумий (умумижтимоий) ва махсус профилактика чораларига ажратдилар.

Кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда, иқтисодий тизимда бўлгани каби, фавқулодда вазиятлар, жумладан, иқтисодий жиноятчиликнинг уюшган шаклларида кескин кўпайиши туфайли иқтисодий вазиятнинг назорат қилиб бўлмалиги мумкинлиги билан боғлиқ вазиятлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган тартибга солиш чораларини ўз вақтида қўллашга алоҳида эътибор берилиши керак.

Бундай жиноятларни олдини олиш тадбирларининг самарадорлиги юксак сифатли ахборот-таҳлилий фаолият, юқори даражада ишончли бўлган илмий асосланган прогноз баҳоларининг мавжудлиги билан таъминланади.

Муаллиф диссертацияда уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда ички ишлар органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хизматлари ва бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этишни таъкидлайди.

Шундай қилиб, ушбу параграф доирасидаги муаммоларни кўриб чиқиб, тадқиқотчи қуйидаги хулосаларга келган:

1. Давлат томонидан кичик тадбиркорлик тузилмаларининг фаолият олиб бориши учун барқарор ва хавфсиз шарт-шароитлар яратилиши, жиноятчиликнинг олдини олиш чораси сифатида баҳоланиши лозим, чунки кичик тадбиркорлик фаолияти иктисодий жиноятчилик содир этилишига шароит яратувчи кўплаб ижтимоий-иктисодий зиддиятларни бартараф қила олади.

2. Кичик тадбиркорлик соҳасида жиноятларнинг олдини олишни ташкил қилиш мақсадида республикамизнинг кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурига ушбу соҳада жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги бўлим киритилиши зарур.

3. Кичик корхоналарга нисбатан амалда бўлган солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиб, кичик корхонанинг умумий даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини 10 % миқдорида белгилаш кичик тадбиркорлик соҳасида кенг тарқалган солиқ жиноятларининг олдини олиш имконини беради.

4. Кичик тадбиркорлик соҳасига киритиладиган инвестицияларни асосан лизинг асосида ривожлантириш кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган мақсадли бюджет маблағлари талон-тарож қилинишининг олдини олишга ёрдам беради. Республикада лизинг операцияларини ривожлантириш учун фуқаролик, молия ва солиққа оид қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши лозим.

5. Кичик тадбиркорлик соҳаси бир қанча назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан назорат қилинаётган шароитда улар фаолиятини мувофиқлаштириш жиноятларга оид ахборотни ўзаро алмашиш асосида ташкил қилиниши зарур.

### 3. ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш қуйидаги асосий хулоса ва тақлифларни илгари суриш имконини берди:

1. Кичик тадбиркорлик бозор иктисодиётининг энг муҳим таркибий қисмидир. Кичик тадбиркорлик вужудга келган – дастлабки кооперативлар ташкил этилган вақтдан бошлаб ҳозиргача ушбу соҳа жинорий унсурларнинг аралашувидан азият чекмоқда. Улар кичик тадбиркорлик имкониятларидан гайриқонуний бойиш мақсадида фойдаланмоқдалар.

2. Кўп қийинчиликларга (жумладан, бизнинг тадқиқотларимизга кўра уюшган жиноятчилик хавфи иктисодий ва ташкилий муаммолардан кейин иккинчи ўринда туришига) қарамай мамлакатда бугунги кунда 250 мингта кичик корхона фаолият кўрсатмоқда, уларда 5,5 млн. киши доимий иш билан банд.

3. Шартнома бўйича, ўриндошлик асосида ишлаётганлар, шунингдек юридик шахс ташкил қилмай ишлаётган тадбиркорларни ҳам ҳисоблаганда кичик тадбиркорлик соҳасида яна бир қанча миллион киши банддир. Амалда

кичик корхона бўлган, аммо у ёки бу расмий белгиларига кўра ушбу тоифага киритилиши мумкин бўлмаган, шунингдек ўртача корхоналар деб аташ расм бўлган корхоналарни инобатга оладиган бўлсак, мазкур кўрсаткич икки баъвар ортади.

Айни вақтда кичик ва ўрта тадбиркорлик Ўзбекистон Республикасининг турли, минтакаларида нотекис ривожланмоқда. Мамлакатдаги кичик корхоналарнинг ярмидан ортиги республикамизнинг саккизта вилоятида, тўртдан бир қисми эса Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабдан жиноятчиликнинг уюшган шакллари айнан мана шу ҳудудларда ўзини кўпроқ намён этмоқда.

4. Кичик тадбиркорликнинг салоҳияти нафақат иқтисодий ёки барқарорлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун, балки, афсуски, унда уюшган жиноий фаолиятнинг жамланиши учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда.

5. Ушбу фаолият кичик тадбиркорликнинг хусусиятларига кўра турлича бўлиб, иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида жиноятлар содир этилмоқда. Кичик тадбиркорлик тузилмаларининг вакиллари жиноятлардан жабр кўрмоқдалар, кичик тадбиркорлик объектлари (дўконлар, омборлар, устахоналар ва ҳ.к.) га нисбатан бугун товламачилик, босқинчилик ва талончилик амалга оширилмоқда.

Булардан ташқари, кичик тадбиркорлик соҳасида жиноят содир этувчи уюшган гуруҳлар давлат, тижорат тузилмалари ва фуқароларнинг мулкига ҳам тажовуз қилаётганларини таъкидлаш лозим. Шунингдек, иқтисодёт соҳасидаги жиноятлар кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятнинг иккинчи муҳим қисмини ташкил қилади.

6. Тадқиқотчи кичик тадбиркорлик соҳасидаги иқтисодий ва ғараз мақсадда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар уюшган жиноий фаолият билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлайди.

7. Бугун кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноятчиликнинг иқтисодий ҳамда ғараз мақсадда зўрлик ишлатиш жиҳатларини параллел равишда ўрганмасдан унга тўлиқ тавсиф бериб бўлмайди. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб кичик тадбиркорлик криминалогик тадқиқотнинг алоҳида объектидир деб ҳисоблаймиз.

8. Кичик тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган жиноий гуруҳларга хос бўлган жиноятларнинг кўплиги, уларнинг юқори даражада латентлиги ва ҳисобга олишнинг номукамаллиги, криминалогик тадқиқот олиб боришни бирмунча қийинлаштиради. Аммо, кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш мумкинлигини истисно этмайди.

9. Уюшган жиноий гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш дастурини ишлаб чиқишда унинг иқтисодий, ижтимоий, психологик ва бошқа хусусиятлари инобатга олинди. Диссертация муаллифининг фикрича, мазкур чораларнинг амалда қўлланилишида қўтилган ижобий самара беради.

10. Кичик тадбиркорлик соҳасида иқтисодий ва гараз мақсадда-зўрлик ишлатиб содир этилган уюшган жиноятларининг умумий ва махсус сабаб (детерминант)ларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш муаллифга мазкур жиноятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ криминалогик чораларни такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди. Улар орасида амалга оширилиши республика ва маҳаллий даражалардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига боғлиқ бўлган чора-тадбирлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, диссертант таклиф қилган жиноятларнинг олдини олиш чораларининг бир қисми кичик тадбиркорлик тузилмаларидан ўз хавфсизликларини таъминлаш ишида ташаббус кўрсатиш ва бирлашишни талаб қилади. Шуни таъкидлаш муҳимки, таклиф қилинган чоралар кўп ҳолларда давлатданг катта молиявий харажатлар қилишнинг талаб этмайди.

11. Жиноят қонуни имкониятларини уюшган жиноятчиликка профилактик таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари билан уйғунлаштиришгина кичик тадбиркорлик соҳасида қилмишларнинг олдини олади.

Юқоридаги хулосалар асосида муаллиф қуйидаги **таклифларни** беради:

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноятчилик (жумладан, уюшган жиноятчилик)нинг аҳволига доир умумий статистик маълумотларга жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни дастлабки қайд этиш ҳужжатларини тўлдириш учун маълумотномаларга, яъни № 1 тармоқлар классификаторига – «кичик тадбиркорлик» реквизиитини, № 2 маълумотномага – жиноят содир этиш жойи – «кичик корхона» реквизиитини киритиш орқали «кичик корхоналарда содир этилган жиноятлар» бўлимини киритиш зарур. Худди шу мақсадда, тадбиркорлик тузилмаларини қайд этиш чоғида рўйхатга олиш ҳужжатлари реквизиитларида хўжалик фаолиятининг миқёсини – «кичик корхона» эканлигини кўрсатиш зарурлиги таклиф этилади. Бу эса криминалогик мониторингни амалга ошириш имконини беради. Иқтисодий фаолият мазкур соҳасининг хўжалик жиҳатдан муҳимлиги инobatга олиниб доимий равишда ўтказилиши зарур.

2. Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилишни осонлаштириш, кичик корхоналар иқтисодий фаолиятининг «шаффофлиги»га эришиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни кичик корхоналарга киритиш мезонларини ўзгартириш, жумладан, йиллик пул айланиши ва устав капиталининг миқдорини бундай мезонларнинг асосийларидан бири сифатида белгилаш зарурлиги ҳақида таклифлар берилган, зеро, бу иқтисодий жиноятларнинг олдини олишга имкон беради.

3. Кичик корхоналарнинг нормал ва барқарор фаолият олиб боришда ўзини оқламайдиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда кичик бизнес вакиллари билан ишлайдиган назорат қилувчи ва бошқа давлат органларида коррупциянинг олдини олиш учун кичик корхоналар фаолияти битта мувофиқлаштирувчи орган раҳбарлигида текширилишини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилаётган мақсадли давлат маблағларининг талон-тарож қилиниши, кредит ва молия соҳасидаги

жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, кичик тадбиркорлик объектларига инвестиция киритиш чоғида тижорат молиявий тузилмалар асосан лизинг операцияларидан фойдаланиши зарур.

5. Солиқ кодексига «Кичик корхоналардан солиқ олиш» деб номланувчи бўлимини киритиш, норматив ҳужжатларда кичик корхонанинг умумий даромадидан 10 % миқдорига солиқ олинishiни белгилаб қўйиш ҳақидаги қондаларни киритиб, кичик тадбиркорларни солиққа тортишни тартибга солувчи қонунни такомиллаштириш лозимлиги таъкидланган.

6. Ички ишлар органлари «Қўриқлаш» бўлиналари жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини кичик тадбиркорларга қўриқлаш хизматлари кўрсатиш бозорини кичик корхоналарнинг фаолиятига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда замонавий қўриқлаш технологиялари қўлланилиши керак.

7. Хорижий давлатлардаги сингари кичик корхоналар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий субъектлари бўлган хусусий қўриқлаш корхоналари (ХҚК) фаолиятини ривожлантириш учун (нодавлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, хавфсизлик хизматлари бозоридан лицензияларда назарда тутилган шартларни бузувчи, фойда олиш учун гайриқонуний усуллардан фойдаланувчи ХҚКни четлаштириш, жамоатчиликка хусусий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари фаолиятидаги ижобий фактлар ҳақида маълумот бериш йўналишида) давлат миқёсида шароит яратилиши мақсадга мувофиқ.

8. Кичик тадбиркорлик соҳасида криминологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида кичик корхоналар вакиллари жамоат бирлашмаларининг давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари, жумладан ИИБ (ИИБ) билан конструктив ҳамкорлиги йўлга қўйилиши керак.

Тадбиркорлик тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кичик тадбиркорлик соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини янада яхшироқ ташкил қилиш мақсадида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурига ушбу фаолият тўғрисида бўлими киритилиши лозим.

Албатта, жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги марраларида бўлган ҳамда муайян куч ва воситаларга эга бўлган уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлиналари ҳамда жиноят қидирув бўлиналари ишини кучайтирмай туриб, тавсия этилаётган чоралар кутилаётган натижани бера олмайди. Ушбу чораларнинг самарадорлигини ошириш имконияти сўнгги йилларда нашр этилган бир қатор тадқиқотларнинг натижалари, улар тўплаган илғор тажриба бўйича таҳлилий умумлашмаларда тақлиф этилган. Ушбу тадқиқот ишида ҳам кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган гуруҳлар содир этаётган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

#### 4. ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РҲҲАТИ

##### Ўқув-методик ишланмалар

1. *Ахмедова Г. У.* Кичик тадбиркорликда уюшган гуруҳлар жиноятчилиги: унинг олдини олиш ва криминалогик хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2006. – 63 бет.
2. *Ахмедова Г. У.* Кичик тадбиркорлик соҳасида жиноятларнинг олдини олиш юзасидан методик тавсиялар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси, 2005. – 8 б.т.

##### Журналлар

3. *Ахмедова Г. У.* Исследование преступности в сфере малого предпринимательства. //Ж. Davlat va huquq. – 2004. – № 1. – С. 25–27.
4. *Ахмедова Г. У.* Кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фойдаланилган ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш масалалари //Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ – Хозияство и право. – 2004. – № 1. – Б. 32–35.
5. *Ахмедова Г. У.* Бозордаги «қароқчилик» //Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2004. – № 2. – Б. 80.
6. *Ахмедова Г. У.* Уюшган гуруҳларнинг молия-кредит тизимида содиро этадиган жиноятлари //Ж. СамДУ ахборотномаси. – 2004. – № 2. Б. 52–53.
7. *Ахмедова Г. У.* Товламачилик жинояти //Ж. Ҳаёт ва қонун. 2004. - № 3. – Б. 39–40.
8. *Ахмедова Г. У.* Солиққа тортиш соҳасида содир этилган жиноятлар // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. – 2004. № 5. – Б. 26–28.
9. *Ахмедова Г. У.* Уюшган гуруҳлар //Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2005. – № 2. – Б. 61.

##### Конференциялар

10. *Ахмедова Г. У.* Криминально-виктимологические аспекты предпринимательства// Иқтисодий ва эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли: Халқаро илмий-амалий анжуман маърузалар тезислари. – Т.: Тошкент Давлат иқтисодий университети, 2005. – Б. 97–99.



**Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор АҲМЕДОВА  
Гўзалхон Ўтқуровнанинг 12.00.08 – жиноят ҳуқуқи ва криминология;  
жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича «Уюшган гуруҳлар кичик  
тадбиркорлик соҳасида содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш  
(Ўзбекистон Республикаси ИИБ материалари асосида)» мавзuidaги  
диссертациясининг  
ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Асосий сўзлар:** уюшган жиноий гуруҳлар, криминологик тавсиф (хусусиятлар), кичик тадбиркорлик, кичик тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, жиноятларнинг олдини олиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан содир этадиган жиноятлар; уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик ташкилий-ҳуқуқий шаклларидадан фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятлар; кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг ҳолати ва тарқалганлиги, шунингдек уларнинг олдини олиш йўлларини излаш.

**Ишнинг мақсади:** кичик тадбиркорлик соҳасидаги уюшган жиноий фаолиятнинг криминологик кўрсаткичларини аниқлаш, ўрганиш асосида ушбу жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган криминологик чораларни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш.

**Тадқиқот методлари:** ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишга тизимли (системали) ёндашув, умумий ва махсус илмий методлар (жиноят ишларини статистик таҳлил қилиш, қиёсий-ҳуқуқий ва ҳ.к.).

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** илмий ишда кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноий фаолиятнинг олдини олиш борасидаги энг долзарб криминологик муаммолар монографик даражада таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган таклифлардан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг таркибий қисми (бўлими) сифатида кичик тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш дастурини ишлаб чиқишда, амалдаги жиноят, фуқаролик, солиқ, молиявий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг хулосалари муҳокама қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Бош прокуратураси амалиётга тадбиқ этилган.

**Қўлланиш соҳаси:** амалдаги қонунчиликни, шунингдек ички ишлар органлари ва прокуратура ходимларининг касбий тайёргарлигини оширишни такомиллаштириш.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Ахмедовой Гузалхон Уткуровны на тему: «Предупреждение преступлений, совершаемых организованными группами в сфере малого предпринимательства (по материалам МВД Республики Узбекистан)» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право

**Ключевые слова:** организованные преступные группы, криминологическая характеристика, малое предпринимательство, организационно-правовые формы малого предпринимательства, предупреждение преступлений.

**Объект исследования:** преступления, совершаемые организованными группами в отношении субъектов малого предпринимательства; преступления, совершаемые с использованием организационно-правовых форм малого предпринимательства; состояние и распространенность преступлений, совершаемых в сфере малого предпринимательства, а также поиск путей по их предупреждению.

**Цель работы:** поиск путей повышения эффективности практики применения криминологических мер, направленных на предупреждение организованной преступной деятельности в сфере малого предпринимательства на основе выявления, изучения ее криминологических параметров.

**Метод исследования:** системный подход к изучению социально-правовых явлений, общие и специальные научные методы (статистический анализ уголовных дел, сравнительно-правовой и др.).

**Полученные результаты и их новизна:** работа выполнена на монографическом уровне с анализом наиболее актуальных криминологических проблем предупреждения организованной преступной деятельности в сфере малого предпринимательства.

**Практическая значимость:** разработанные предложения могут быть использованы при подготовке программы предупреждения организованной преступности в сфере малого предпринимательства, в качестве составной части (раздела) государственной программы поддержки малого предпринимательства, совершенствования действующего уголовного, гражданского, налогового, финансового законодательства.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** выводы диссертационного исследования обсуждены и направлены для реализации в МВД и Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан.

**Область применения:** совершенствование действующего законодательства, а также повышения профессиональной подготовки работников органов внутренних дел и прокуратуры.

## RESUME

**Thesis of Ahmedova Guzalkhon Utkurovna  
on the academic degree competition of the Candidate of Law, specialty  
12.00.08 – Criminal law and Criminology; Criminal-executive law subject:  
«Prevention of crimes committed by organized groups of small business  
(based on the materials of Ministry of Interior of Republic Uzbekistan)»**

**Key words:** organized criminal groups, criminological characteristics, small business, organizational and legal forms of small business, crime prevention.

**Subjects of the inquiry:** crimes committed by organized groups towards the subjects of small business; crimes committed using the organizational and legal forms of small business; condition and prevalence of crimes committed in the sphere of small business and search of the ways of their prevention.

**The aim of the inquiry:** search for ways of increasing the efficiency of practice of using the criminological measures directed on prevention of organized criminal activity in the sphere of small business on the bases of revealing and investigating its criminological parameters .

**Method of inquiry:** system approach toward the study of social and legal phenomena, general and special scientific methods (statistical analyses of criminal cases, comparative-legal etc.).

**The results achieved and their novelty:** the work has been done in the monographic level with analyses of the most actual criminological problems of prevention of organized criminal activity in the sphere of small business.

**Practical value:** the proposals developed by the author can be used in preparation of the program for prevention of organized criminality in the sphere of small business as a compound part (chapter) of the state program for supporting the small business and improvement of the acting criminal, civil, tax, financial legislation.

**Degree of embed and economical effectiveness:** the conclusions of the research work have been discussed and sent to the Ministry of Internal Affairs and the General Procurator's Office of the Republic of Uzbekistan for realization.

**Sphere of usage:** improvement of the acting legislation and increasing of the professional training of workers of the organs of internal affairs and the prosecutor's office.

---

Босишга рухсат этилди 2006. Ҳажми 1,2 б.т.  
Адади 100. Бузуртма № . Бичими А-5.

---

700197, Тошкент ш., Сайлгоҳ кўчаси, 35.  
Тошкент Давлат юридик институти